

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**565** «Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
20 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1927-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги 256-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

27-сон «Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1927, 2009 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 151-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 3 ноябрь,  
70-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2014 йил 3 ноябрдаги  
70-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Болаликдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;**

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Болаликдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.».

2. Низомда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Болаликдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ»;**

б) муқаддима «болалиқдан ногиронларга» деган сўзлардан кейин «ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

в) 3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маблағлар Жамғарманинг вазначилик ҳисобварағига вазначилик мемориал ордери асосида қуйидаги тартибда ўтказилиб берилади:

жорий тўлов ойининг 15-қунигача — ўтган ойининг эҳтиёжи ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, 50 фоиз миқдоридаги сумма;

жорий тўлов ойининг 27-қунигача — амалдаги эҳтиёжнинг тақдим этилган миқдоридан қолган сумма.»;

г) 5-банд «Болалиқдан ногиронларга» деган сўзлардан кейин «ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

д) 6-банддаги «10» рақами «15» рақами билан алмаштирилсин;

е) 7 — 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) илованинг илова белгиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Болалиқдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири*

*А. АБДУҲАКИМОВ*

*2014 йил 3 ноябрь*